

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2022 йил 17 февраль куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман суди биносида, судья В.Карамановнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Мухторовнинг котиблигида, Олмазор тумани прокурорининг катта ёрдамчиси А.Солиҳов ва Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация бўлими инспектори С.Шайховнинг иштирокида, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғининг

Рахмонов Жасурбек Баходир ўғли, 1995 йил 22 март куни Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, бўйдоқ, муқаддам судланган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Каланова кўчаси, 6-уй, 4-хонадонда яшовчига

нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини 1-3-1008-2207/55-сонли йиғма жилд материали билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2020 йил 3 июндаги ҳукмига кўра, Рахмонов Жасурбек Баходир ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 1 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Бука туман судининг 2020 йил 22 декабрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 11 ой 11 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил 19 августдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 8 ой 11 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖКнинг 46-моддасига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган.

Ж.Рахмонов Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлимига 2021 йил 13 сентябрь куни ҳисобга қўйилган ва жазони ўташ тартиб-қоидалари билан таништирилган.

Ж.Рахмонов жазо муддатининг 4 ой 8 кунини ўтаган, ўталмаган жазо муддати 1 ой 3 кунни ташкил қилади.

Суд мажлисида Ж.Рахмонов, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини ва жиноий қилмишларини англаб етганлигини, ҳозирда тайинланган жазони тегишли қисмини ўтаганлигини билдириб, озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Суд мажлисида Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими инспектори С.Шайхов, маҳқум жазо ўташ тартиб ва қоидаларига риоя



қилиб, озодликни чеклаш жазоси муддатининг **учдан икки** қисмини ўтаб бўлганлигини, жазони ўташ даврида жиноий қилмишларини англаб етганлигини билдириб, маҳкумни озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, туман прокурори катта ёрдамчисининг киритилган тақдимномани қаноатлантиришни сўраб берган фикрини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, киритилган тақдимномани қаноатлантиришни ва Ж.Рахмоновни озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим топди.

Суд, маҳкум Ж.Рахмоновга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Рахмонов Жасурбек Баходир ўғли тайинланган жазонинг ўталмаган қисми, яъни 1 ой 3 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Маҳкум Ж.Рахмоновга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ушбу ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судига хусусий тартибда шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

В.Караманов

Нусхаси аслига тўғри:

